



Creation and improvement of conditions for improving the effectiveness of expert activities

Otabek Ganiev¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2022
Received in revised form
20 July 2022
Accepted 25 August 2022
Available online
15 September 2022

Keywords:

increase of efficiency of activity, expert activity, organization of expert activity, workplace of the expert.

ABSTRACT

The article considers the issues of creating conditions that contribute to improving the efficiency of expert activity, suggests, and improves such conditions based on the analysis of practice of organizing the activities of employees of State forensic expert institutions of the Republic of Uzbekistan.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss8/S-pp211-216>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Суд экспертилик фаолияти самарадорлигини ошириш учун шароитларни яратиш ва уларни такомиллаштириш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

фаолият самарадорлигини ошириш, суд экспертилик фаолияти, суд экспертилик фаолиятини ташкил этиш, суд экспертилининг иш жойи

Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат суд экспертиза муассасалари суд экспертиларининг фаолиятини ташкил этиш амалиётини таҳлил қилиш асосида суд экспертилик фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи шарт-шароитларни яратиш масалалари кўриб чиқилган ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

¹ Acting Associate Professor, Department of Criminalistics and Forensic Science, Tashkent State University of Law, Tashkent, Uzbekistan

Создание и совершенствование условий, способствующих повышению эффективности экспертной деятельности

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

повышение
эффективности
деятельности, экспертная
деятельность,
организация экс-пертной
деятельности, рабочее
место эксперта

В статье на основе анализа практики организации деятельности сотрудников Государственных судебно-экспертных учреждений Республики Узбекистан, рассматриваются вопросы создания условий, способствующих повышению эффективности экспертной деятельности и предложены направления совершенствования этих условий.

Хуқуқни муҳофаза қилиш тизими니 такомиллаштириш ва ривожлантириш жиной процессда табиий, техник ва гуманитар фанларнинг замонавий ютуқларини тўлиқ амалга оширмасдан туриб мумкин эмас. Илмий маълумотларни жорий қилишнинг муҳим воситаларидан бири – бу суд экспертизаси ҳисобланади. Кўпгина жиноятларни тергов қилишда суд экспертизасининг имкониятларидан кенг фойдаланилади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд экспертлик фаолияти табора ривожланиб бормоқда [1, Б.131]. Суд экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва маҳсус билимлардан фойдаланишнинг асосий шаклларидан бири сифатида суд экспертизаси сифатига эришиш юқорида қайд этилган фаолиятни оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилишни талаб этади.

Ташкил этиш назарияси, бошқарув назарияси ва меҳнатни илмий ташкил этишнинг умумий назарияси қоидалари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар суд экспертилик фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун амалга оширилиши ва ишлатилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси давлат суд экспертиза муассасалари суд эксперталарининг фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш даражасини ўрганиш қуйидаги хуносаларга келишимизга имкон берди:

Ҳозирги кунда бу каби тавсияларни ишлаб чиқишнинг паст даражаси қуйидаги соҳалар учун хос экан: суд экспертлари (мутахассислар) фаолиятини илмий ташкил этиш; суд экспертлик фаолиятининг ахборот таъминоти асосларини такомиллаштириш; суд экспертлик фаолиятига нисбатан тўсиқларни бартараф этишни ташкил этиш.

Шу муносабат билан қуйидаги муаммоли масалаларни ўзига олган суд эксперти фаолиятини илмий ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга амалий эҳтиёж мавжуд, чунки ҳозирда бу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш етарли даражада эмас:

- суд эксперти фаолиятини ташкил этишнинг шаклларини яратиш ва такомиллаштириш;
- бу фаолият самарадорлигини ошириш учун қулай шароитлар яратиш ва уларни такомиллаштириш, хусусан, суд экспертизининг иш жойини ва унинг ахборот-техник жиҳозланишини мақсадли ташкил этиш;
- суд экспертизинг иш вақти ва дам олишини оқилона ташкил этиш;
- суд экспертлик фаолиятининг айрим соҳалари, шу жумладан, суд эксперти фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган меҳнат сарфининг миқдорий ва сифат меъёрларини асослаш;
- бир суд эксперти учун мақбул илмий асосланган иш юкламасини ишлаб чиқиш;

- суд экспертиза муассасаларида ишларни қатъий ҳисобга олиш ва ҳисбодорлик тизимини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;
- суд эксперталарининг фаолиятида ҳужжатлар айланиши ва иш юритиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- суд эксперталарининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш;
- суд эксперталарини касбга йўналтириш, касбий танлаш ва суд эксперталарини тайёрлаш (қайта тайёрлаш);
- суд экспертиза муассасаларининг қуи бўғинларида кадрларни танлаш ва жойлаштириш;
- суд эксперталарнинг профессограммаси;
- суд экспертилик фаолиятини такомиллаштириш учун ахлоқий меъёrlарни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Суд эксперталари фаолиятини илмий ташкил этишнинг юқорида қайд этилган муаммоли масалалари суд экспертилик фаолиятини ташкил этишга турлича ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама илмий-амалий идрок этишни ва тушунишни талаб этади [4, С.65-69; 2, С.59-64]. Мазкур фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш ва такомиллаштириш, хусусан, экспертнинг иш жойини мақсадли ташкил этиш; суд экспертининг автоматлаштирилган иш жойи учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва кенг жорий этишни батафсилоқ қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисблаймиз.

Суд экспертиза муассасаларидаги суд экспертининг иш жойларини, уларни таснифлаш асосида турли шаклларда тақдим этиш мумкин:

— *субъектга нисбатан мақсадига қўра* – суд экспертиза муассасаси раҳбарининг иш жойи ва суд экспертининг иш жойи. Суд экспертиза муассасаси раҳбарининг иш жойи асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперти-криминалистика хизматининг турли бўғин раҳбарлари учун мўлжалланган бўлиб, суд-экспертиза тадқиқотларини ўтказиша суд экспертининг ёки тадқиқотларни ўтказиша мутахассиснинг меҳнат фаолиятини бошқариш, уларнинг тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларидаги иштирокини ва ҳ.к., шунингдек, бу хизматнинг қуи бўғин раҳбарлари меҳнат фаолиятни ташкил этишга мўлжалланган;

— *автоматлаштириш даражасига қўра* – автоматлаштирилган иш жойи (APM) ва автоматлаштирилмаган иш жойи;

— *вақт хусусиятларига қўра* – доимий ёки вақтинчалик (турли тергов ҳаракатларини ўтказиша иштирок этиш учун, турли хил дастлабки тадқиқотлар, суд экспертизаларини ўтказиш ва ҳ.к.) иш жойлари. Масалан, вақтинчалик иш жойи сифатида ҳодиса содир бўлган жойни қўриб чиқиш мумкин, чунки унда суд эксперти-мутахассис иштирок этади, шунингдек, айнан ҳодиса жойида “дала шароити”да дастлабки тадқиқотлар ўтказилади ва ҳ.к. Бундан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечиришни самарали ва тезкор ўтказиш, шунингдек, “дала шароити”даги дастлабки тадқиқотларни ўтказиш учун суд эксперталари (мутахассис) компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда объектларнинг криминалистик аҳамиятга эга хусусиятларининг автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак. Бу борада, “Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика марказининг “Портлаш-техник ва ёнфин-техник экспертизаси” бўлими ёнгин содир бўлган жойларни кўздан кечиришда ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича ижобий тажрибага эгадир” [3; 5];

— ҳаракатланиш даражасига қўра – стационар ва кўчма (дала шароитларида тезкор ҳаракат қилиш имконини берадиган, кўчма автоматлаштирилган автотранспорт базасида жиҳозланган) иш жойлари.

Иш жойи комплекс бўлиши мумкин, яъни бир неча хусусиятларга эга (масалан, субъектга нисбатан мақсади ва автоматлаштириш даражасига қўра иш жойларини ўзида уйғуналаштирган — суд экспертининг ҳамда суд экспертиза муассасаси раҳбарининг автоматлаштирилган иш жойларининг бўлиши ёки бўлмаса, автоматлаштириш ва ҳаракатланиш даражаларига қўра, кўча криминалистик лаборатория базасида автоматлаштирилган иш жойига бирлаштирилган) эга бўлиши мумкин.

Суд экспертининг иш жойи бу — меҳнат жараёнининг бир бўғини ва фаолият жараёнининг элементлари жойлашган худуднинг бир қисмидир, яъни, суд эксперти (алоҳида тарзда ёки жамоа таркибида) аниқ мақсадга мувофиқ, ихтисослиги ва муайян шароитларда ўз ишини амалга оширадиган уюшган жойдир.

Иш жойи суд экспертиза муассасалари бир ёки бир неча ходимларнинг меҳнат фаолияти соҳаси (майдони) сифатида, шунингдек, иш жойининг оқилона ташкил этилиши, техник таъминоти, иш шароитларининг таъминланиши ва такомиллаштирилиши — фаолиятнинг асосий йўналишларига мос ҳолда ҳақиқатни аниқлаш учун фан, техника, санъат ёки хунармандликка оид маҳсус билимлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Иш жойи ўзига хос муайян мезонларга эга, яъни **иш жойи**.

- суд эксперtlари томонидан амалга оширилган фаолиятнинг натижалари олиннишини таъминлайди. Бу фаолиятнинг натижаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 68- ва 70-моддаларига мувофиқ эксперт ва мутахассиснинг ваколатига кирадиган, жиноят ишларини юритишнинг ўзига хос жиҳатларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган интеллектуал ижтимоий фойдали маҳсулотdir;

- суд экспертининг хизмат мажбуриятлари асосида иш фаолиятининг суд экспертиза муассасалари ходимлари иш жойларининг миқдорий ва сифатга оид мезонлари хусусиятларига мос келади;

- суд экспертиза муассасаларида жамоавий меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва суд эксперtlарининг ихтисослашуви, фаолият жараёнини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик занжирида бирламчи бўғин вазифасини бажаради;

- суд экспертиза муассасаларининг жамоавий фаолият олиб бориладиган биноларнинг, алоҳида иш жойлари ва ёрдамчи биноларнинг (керакли асбоб-ускуналар ва жиҳозлар иш жойларида уларнинг аҳамияти ва меҳнат жараёнида фойдаланиш самарадорлигига мувофиқ жойлаштирилади) қулайлигини (эргономикаси) ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади;

- бир қатор мажбурий параметрларни ҳисобга олган ҳолда ва иш жойларига қўйиладиган талабларга тўлиқ мос ҳолда ташкил этилади.

Суд экспертилик амалиётининг таҳлиллари шуни кўрсатадики, эксперт хulosаларининг далилий қиймати, ишончлилиги ва кўргазмалилигини ошириш, юқори сифатли тадқиқотлар ўтказиш билан экспертизалар ўтказиш муддатини камайтириш, терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) томонидан эксперtnинг хulosаларини холисона баҳолаш фақат, ахборотни қайта ишлаш бўйича янги ёндашувлар, компьютер технологияларини кенг қўллаш орқалигина мумкин бўлади. Суд

экспертизасида замонавий компьютер технологияларини қўллашнинг истиқболли йўналишларидан бири – ўз ичига нафақат кўп вақт талаб қилувчи ҳисобкитобларнигина эмас, балки эксперт хulosасини тайёрлашни ҳам компьютерлаштиришни олган, экспертиза вазифаларини автоматлаштирилган ҳолда ҳал қилишга мўлжалланган дастурий тизимларни ишлаб чиқиш ҳисобланади [6, С.23].

Экспертиза тадқиқотларини компьютерлаштириш – суд эксперлари амалий фаолиятини илмий ташкил этишни такомиллаштиришда асосий йўналиш ҳисобланади. Суд экспертиза муасссаларининг суд эксперлари ўртасида ўтказилган анкета-сўровлари натижасида, “Сизнинг фикрингизча, суд экспертининг автоматалштирилган иш жойи ёрдамида фаолиятнинг қандай йўналишларини такомиллаштириш мумкин?” деган саволга жавобларда бу ҳолатга эътибор қаратилди.

Сўровда иштирок этган респондентларнинг жавобларини таҳлил қилиб, маҳсус суд экспертизаларини самарали ташкил этиш, шунингдек, эксперт хulosаларининг шакли ва мазмунини мақбуллаштириш мақсадида, суд экспертиза мутахассисликларининг ҳар бир тури бўйича суд экспертининг автоматлаштирилган иш жойлари имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига қуйидагиларга имкон бериш мумкин, деб хулоса чиқарилди:

- суд эксперти меҳнатининг интенсивлигини оширишга, чунки экспертиза тадқиқотларини компьютерлаштириш экспертнинг хulosасини жуда кам вақтларда, мавжуд методикага мувофиқ ҳолда ва тўлиқ тайёрлаш имконини беради (86,4%); — суд экспертининг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишга (81,1 %); — эксперт хulosаларини мувофиқлаштиришга олиб келувчи экспертиза методикаларини бир хиллаштиришга, натижада терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) томонидан экспертнинг хulosасини баҳолашни сезиларли даражада осонлаштиради (76,3 %); — эксперт хulosаларини тузиш жараёнини оптималлаштиришга хизмат қиласи. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари тизимлаштирилади ва улар асосида тадқиқотларнинг аниқ методикасининг тавсифи стандартлашган кўринишдаги методикалар мажмуи ҳамда бу мажмуанинг эксперт хulosасида баён қилиш мумкин бўлган вариантлари шаклланади (71,5 %); — ҳисоблар (криминалистик) ва рўйхатларни шакллантириш, юритиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни ташкил этишга (70,6 %); — жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг техник-криминалистик таъминоти бўйича кўрсаткичларнинг ошишига (62,2 %) ва бошқ.

Юқорида келтирилган сифат кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, суд экспертининг (мутахассис) автоматлаштирилган иш жойи ёрдамида суд экспертиза муасссаларининг фаолиятини такомиллаштириш биринчи навбатда, суд экспертилик фаолияти самарадорлигини оширишни таъминловчи кўрсаткичларга қаратилиши лозим.

Суд экспертизасида замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг истиқболли йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўзига объектларнинг криминалистик аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари (ААҚТ), электрон дарсликлар, маълумотлар ва каталоглар, эксперт вазифаларининг автоматлаштирилган ҳал қилишга мўлжалланган дастурий таъминот тизимларини олган суд эксперларининг автоматлаштирилган иш жойларининг асосий элементларини яратиш;

- суд экспертлари (мутахассислар) ва инновацион экспертиза технологияларининг истеъмолчилари бўлган – суд, тергов, адвокат, прокурор, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари учун мўлжалланган, идораларо автоматлаширилган ахборот таъминоти тизимини яратиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда суд экспертлик фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи шарт-шароитларни такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик истиқболлари ва ижобий тажриба алмашиш – замонавий муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва суд экспертларининг амалий фаолиятини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хасанов Ш.Х. Суд-экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), – Б.130-134. (*Khasanov Sh.X. Court-expert Word Press psychedelic psychologist / Lawyer news-Bulletin lawyer-Lawyer herald. No. 4 (2020), - b.130-134.*);

2. Бок А.А., Дульцев М.В. О некоторых проблемах, оказывающих негативное влияние на производство судебных экспертиз // Вестник экономической безопасности. 2018. № 1. – С.59-64. (*Bok AA, Dultsev M.V On some problems that have a negative impact on the production of forensic examinations // Bulletin of Economic Security. 2018. № 1. – P.59-64.*);

3. Информационное обеспечение работы пожарно-технического эксперта на месте происшествия с использованием компьютерной техники: методические рекомендации / под ред. С.О. Шульгина. М., 2007. (*Information support of the fire expert at the scene with the use of computer equipment: methodical recommendations / ed. S.O. Shulgin. M, 2007.*);

4. Россинская Е.Р. Проблемы современной судебной экспертологии // Криминалистические средства и методы в раскрытии и расследовании преступлений: материалы VI Всероссийской науч.-практич. конференции. — М.: ЭКЦ МВД России, 2014. — С.65-69. (*Rossinskaya E.R. Problems of modern judicial expertology // Forensic tools and methods in the disclosure and investigation of crimes: materials of the VI All-Russian scientific-practical conference. — M: ECC of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2014. — P.65-69.*);

5. Специальное оборудование для исследования мест происшествий по факту пожара и особенности его применения: учеб. пособие / С.О. Шульгин, А.И. Колмаков, Н.И. Колесников и др.– М., 2009. (*Special equipment for investigating the scene of incidents on the fact of fire and the features of its use: Textbook. allowance / C.O. Shulgin, A.I. Kolmakov, N.I. Kolesnikov and others. – M, 2009.*);

6. Сретенцев Д.Н. Основные направления информационно-аналитического обеспечения судебно-экспертной деятельности: учеб. пособие. – Орёл, 2008. – С.23. (*Sretentsev D.N. The main directions of information and analytical support of forensic activity: training. allowance. – Orel, 2008. With.23.*).